

?????? ?????????????»». ????????

??.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Кетма-кет ҳаж ва умра қилинглари, чунки бу иккиси темирчининг босқони темир, олтин ва кумушнинг кирини кетказганидек (ҳаж ва умра қилувчидан) фақирлик ҳамда гуноҳларни кетказди. Ҳажжи мабрурнинг савоби жаннатдан бошқа нарса эмас».**

Термизий ва Насоий ривоят қилишган.

Гуноҳлардан покланишга сабаб бўлувчи ҳаж қандай бўлади?

???? ?????????????????????? ??????? ??????? ?????????? ?????

????????????????? ??????»: «????????????? ?????????? ????????

????????????? ?????????? ?????????????? ?????????? ??????????????

????????????????? ??????????»». ?????????? ??????????????????????.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Ким Аллоҳ учун ҳаж қилиб, фаҳш сўз айтмаса ва фисқу фасод қилмаса, худди онасидан янги туғилгандек бўлиб қайтади».**

Бухорий ривоят қилган.

Ҳаж ва Умра қилувчининг дуоси мақбулдир

???? ?????????????????? ?????? ?????? ?????????? ?????

????????????????? ??????: «????????????????????????????????

????????? ?????????? ?????? ?????????????? ?????????????????? ?????????

????????????????????? ?????????? ??????????» . ??????????

?????????????????????

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Ҳаж ва умра қилувчи Аллоҳнинг меҳмонидир. Аллоҳга дуо қилсалар, дуоларини ижобат қилади. Ундан мағфират сўрасалар, уларни мағфират қилади».**

Ибн Можа ривоят қилган.

«Мўминнинг умр сафари» китобидан